**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.21.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БАЗАРБАЕВА АЛЬБИНА МИНГАЛИЕВНА

ИНГЛИЗ, ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА РАНГ ИФОДАЛАНИШИНИНГ КОГНИТИВ-СЕМАНТИК ТУЗИЛИШИ

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик
ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

УДК 811.111.1:801.7
ББК 81.2 - 5
Б - 15

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in philological sciences

Базарбаева Альбина Мингалиевна
Инглиз, ўзбек ва рус тилларида ранг ифодаланишининг когнитив-семантик тузилиши…..…….....…….....….....…3

Базарбаева Альбина Мингалиевна
Когнитивно-семантическая структура цветообозначений в английском, узбекском и русском языках..... ..... …...25

Bazarbaeva Albina Mingalievna
Cognitive-semantic structure of colour names in the English, Uzbek and Russian languages ....….49

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works ....…53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.21.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БАЗАРБАЕВА АЛЬБИНА МИНГАЛИЕВНА

ИНГЛИЗ, ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА РАНГ ИФОДАЛАНИШИНИНГ КОГНИТИВ-СЕМАНТИК ТУЗИЛИШИ

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик
ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Fil310 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.tashgiv.uz ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Сиддиқова Ирода Абдузухуровна** филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Исламджанова Хазифа Исламовна** филология фанлари доктори, профессор
	Насруллаева Нафиса Зафаровна филология фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2020 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.)

Диссертацияси билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.)

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол. ф.д., профессор

Қ.П. Содиқов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол. ф.д., профессор

А. Қуронбеков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тил воқелигини тизимли ўрганиш унинг ижтимоий аҳамиятини англашда туб бурилиш ясади. Тил социолингвистик ва коммуникатив воқелик сифатида баҳоланди. Бир қатор янги йўналишлар, хусусан, тилнинг структур-функционал қатламларини чуқур ўрганишга оид назарий парадигмалар вужудга келиб, дунё тилларини қиёсий, типологик, чоғиштирма ўрганиш бошланди. Халқлар ўртасидаги маданий муносабатларда тил ва таржималарнинг коммуникатив роли эътироф этилди. Бинобарин, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашда "*чет тиллар ... каби талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш*"[1] муҳим аҳамият касб этади. Глобаллашув мамлакатлар ўртасидаги интеграцион омилларни кучайтирди, шу тариқа цивилизациялар тарихида ноёб ёдгорликка айланган ёзма адабий манбаларни хорижий тилларга ўгириш зарурати юзага чиқди. XXI асрга келиб, мамлакатлараро маданий алоқаларнинг ривож топиши инглиз тилидан ўзбек тилига бевосита таржима қилиш муаммоларини ўрганишни долзарб вазифага айлантирди.

Дунё тилшунослигида тилнинг семантикаси, маълум тилда оламнинг лисоний манзарасини шакллантириш воситаларидан бири сифатида рангни ифодаловчи лексикаснинг номинатив аҳамияти борасида муайян тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ рангларнинг турли тил ва маданиятларда номланиши, шунингдек, унинг этномаданият, оламнинг концептуал манзараси, муаллифларнинг алоҳида услубида уларнинг роли ва изоҳи муаммолари ҳозирги вақтга қадар етарлича тадқиқ этилмаган. Жумладан, олам лингворангли манзарасининг лингвистик моҳияти, бир-бирига боғлиқ бўлмаган тиллардаги материалларда ранг ифодаловчиларнинг структур-семантик типологияси ва лингвомаданий хусусиятлари, ранг ифодаловчиларнинг инглиз, ўзбек ва рус тилларидаги материалларда концептуал маъносини боғловчи когнитив-дискурсив механизмларни ўрганиш - тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолган. Антропоцентрик ёндашув доирасида мавзунинг янгилиги ва мураккаблиги боис ранг ифодаловчиларнинг когнитив-концептуал аҳамияти ўрганилаётган тилларда тўла тадқиқ этилмаган. Диссертацияда ранг ифодаловчиларнинг айнан тузилиши, семантик ва лингвомаданий хусусиятлари таққосининг лингвистик жиҳатлари таҳлилга тортилган. Шунингдек, тадқиқотда инглиз, ўзбек ва рус тиллар материаллари, уларнинг концептуал аҳамиятини боғлаб турувчи когнитив-дискурсив механизмлар аниқланган.

Мустақиллик йилларида жаҳон адабиётининг ёрқин намоёндалари асарларини ўзбек тилига бевосита таржима қилиш анъанаси қайта тикланди ва жадаллашди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль, 28 (6722) – сон.

стратегиясида «*Таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим* хизмати *имкониятларини ошириш»*[2] вазифаси алоҳида таъкидланган. Чет тилларини ўрганишга эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилган бир вақтда малакали хорижий тил мутахассислари ва таржимонларни тайёрлаш, хорижий тиллар бўйича ҳозирги талабларга мос луғат, дарслик, қўлланмалар яратиш, илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш тилшунослик соҳасида кенг кўламли ва янгича ёндашув асосидаги тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда. Бинобарин, таржимани халқаро адабий алоқалар таркибида, қиёсий адабиётшунослик билан биргаликда ўрганиш ва чоғиштирма тилшунослик ютуқларига таяниш, тил ва адабиёт ҳодисаларига яхлитликда қараш, таржимашунослик негизида услубларни солиштириш ётиши, таржимада муаллиф услуби ва таржимон услуби тўқнаш келиши, ёзувчи услуби таржимон услуби орқали реаллашиши каби муаммолар ўзбек олимлари томонидан эътироф этилди. Инглиз тили ранг ҳодисаларини ўзбек тилига ўгириш таржимашуносликдаги аҳамиятли илмий мавзуга айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон ва Қарорлари, Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» ҳамда БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиядаги нутқлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга иширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади[3].

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур диссертация ранглар тавсифини инглиз, ўзбек ва рус тиллари мисолида қиёсий-чоғиштирма тадқиқ қилиш, шунингдек, уларнинг когнитив майдони ва рангни англатишини ўрганишга бағишланган. Бир неча асрлардан буён ранг ҳодисалари тарихи ўрганилади. Тадқиқотчиларнинг ушбу мавзуга бўлган қизиқишлари кечаги кун ва ҳозирги вақтда ҳам қонуниятларга асосланган. Зеро, атрофимиздаги кўплаб ҳодисалар ёруғлик ва унинг ранглари ёрдамида ҳис қилинади.

Юз йиллар давомида одамлар ранглар табиатининг физик ва физиологик

---

[2] Мирзиёев Ш.М. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. – Тошкент, 2017. – Б. 39.

[3] “Олий таълим муассасалари тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 2909 – сонли Қарори. 2017 йил, 20-апрель.

хусусиятларини билишга, уларнинг инсон онггига таъсирини тушунишга ҳамда ранглар эстетикасини ўрганишга ҳаракат қилишган. Ранг шакли ва тимсолининг когнитив оғзаки ифодаси масаласи когнитив тилшуносликнинг ўрганиш предметига айланди. Ранглар ифодаловчи лексикасининг келиб чиқиши, турли тизимли тилларда ранглар белгилари тизимининг мавжудлиги, уларга хос когнитив-сегмантик тузилишнинг мураккаблиги ушбу мавзуни кўп бор тадқиқ қилишни талаб этади.

Ранглар ифодаловчиси – рангларнинг ҳиссий тимсолини ифодаловчи лексик бирлик, – турли тилларда ўрганилувчи мавзуий гуруҳлардан бири ҳисобланади. Ранг ифодаловчи лексемалар тадқиқи турли: лингвистик, психолингвистик, тарихий, лингвомаданий йўналишларда олиб борилмоқда[4].

Ҳозирги вақтда ранг терминларини когнитив-дискурсив ва антропологик парадигмалар доирасида тадқиқ этиш долзарб саналади. Ранглар белгиси ранг ҳақида маълумотларнинг тилда акс этиши ҳисобланади. Шунга кўра, уларнинг тадқиқи инсон онгида кўриш идроки ва ранглар давомийлигини ташкил этиш хусусиятлари ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Бундан ташқари, ранг моддий ва ғоявий белги ҳамда ҳодисаларни кенг доирада ифодалай олиши, ассоциатив маъноларининг бойлиги билан характерланади.

Қуйидаги тадқиқотлар диссертациянинг назарий асосини таъминлади:

ранглар белгисига оид тадқиқотлар[5];

концептуаллаштириш ва категория муаммолари[6];

метонимияга оид тадқиқотлар[7];

---

[4] Москович В.А. Семантическое поле цветообозначений. Автореф. дис.... канд. филол. наук. – М., 1965. – 18 с.; Садыкова М. Слова, обозначающие цвет и окраску, в узбекском языке: Автореф. дис. … канд. филол. наук. – Т.: 1963. – 15 с.; 57. Матчанова И.С. Цветообозначения узбекского языка. – Т., 1984.; Фрумкина Р.М. Цвет, смысл, сходство: аспекты психолингвистического анализа. – М.: Наука, 1984. – 175 с.; Василевич А.П. Исследование лексики в психолингвистическом эксперименте. На материале цветообозначения в языках различных систем. – М.: Наука, 1987. – 140 с; Бахилина Н.Б. История цветообозначения русского языка. – М.: Наука, 1975; Светличная Т.Ю. Сравнительные лингвокультурные характеристики цветообозначения и цветовосприятия в английском и русском языках: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Пятигорск, 2003. – 17 с.; Матчанова И.С. Цветообозначения узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1984. – 20 с.

[5] Berlin B., Kay P. Basic Colour Terms. Their Universiality and Evolution. – Berkeley; Los Angeles: U. of California Press, 1969. – 178 p.; Василевич А.П. Исследование лексики в психолингвистическом эксперименте. На материале цветообозначения в языках различных систем. – М.: Наука 1987. – 140 с; Вежбицкая, А., Язык. Культура. Познания. – М.: Русские словари, 1996. – 404 с.; Вежбицкая А. Семантические универсалии и описание языков. – М.: Языки русской культуры, 1999. – 780 с.; Залевская, А.А. Введение в психолингвистику / А.А. Залевская. – М.: Российский гос. гуманит. ун-т, 2000. – 382 с.; Залевская А.А. Психолингвистический подход к анализу языковых явлений // Вопросы языкознания. 1999. – №6. – С. 31 – 42.; Фрумкина Р.М. Концепт, категория, прототип // Лингвистическая и экстралингвистическая семантика: Сб. обзоров. – М., 1992. – С. 28-43.;

[6] Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика: Курс лекций по английской филологии. – Тамбов: Изд-во ТГУ им. Г.Р. Державина, 2002. – Изд. 3-е, стер. – 123 с.; Lakoff G., Johnson M. Metaphors We live by. Chicago, London: The University of Chicago Press, 1980. – 242 p.; Langacker R.W. Foundations of Cognitive Grammar. Descriptive Application. – Stanford: Stanford University Press, 1991. – Vol. 2. – 590 p.; Talmy L. Lexicalization Patterns: Semantic Structure in Lexical Forms // Language Typology and Syntactic Description. – Vol. 3: Grammatical Categories and the Lexicon. – Cambridge: Cambridge Univ. Press, 1985. – P. 57-149.; Fauconnier G., Turner, M. Conceptual Integration Networks // Cognitive Science. Vol. 22 (2), 1998. – P. 133-187.

[7] Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – М.: Языки русской культуры, 1999. – 896 с.; Гак В.Г. Сопоставительная лексикология. – М.: Международные отношения, 1977. – 264 с.; Koch P. Frame and contiguity: On the cognitive bases of metonymy and certain types of word formation // Metonymy in Language and Thought / Ed. by K. U. Panther and G. Radden. – Amsterdam and Philadelphia: Benjamins, 1999. – P. 139-167.; Лакофф Дж. Женщины, огонь и опасные веши: Что категории языка говорят нам о мышлении. М.: Языки славянской

когнитив сўз ясалиши[8].

Бироқ ушбу соҳада концептуаллашувнинг когнитив-дискурсив механизмлари роли масалалари тўлиқ ўрганилмаган, шу билан бирга, ўрганилаётган тилларнинг қиёсий-чоғиштирма таҳлили ҳам етарлича очилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишларининг “Тилшунослик самарадорлигини ошириш ва хорижий тилларни ўқитишнинг назарияси ва амалиёти” мавзуси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз, ўзбек ва рус тилларидаги ранг ифодаловчи лексиканинг қиёсий-чоғиштирма тадқиқоти ва унинг когнитив-дискурсив аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ранг ифодаловчи лексикани ўрганишга доир ёндашувларни тавсифлаш;

ўзбек ва хориж тилшунослигида ушбу мавзунинг ўрганилганлик даражасини таҳлил қилиш;

ранг ифодаловчи лексиканинг номинатив (аташ) аҳамиятини белгилаш;

инглиз, ўзбек ва рус тилларида ранг ифодалашнинг структур-семантик хусусиятлари, ўхшаш ва фарқларини аниқлаш;

инглиз, ўзбек ва рус тилларида ранг ифодалашнинг миллий-маданий ўзига хосликларини белгилаш;

когнитив метономияни ўрганилаётган тилларда ранг ифодаловчи лексиканинг концептуаллашиш усули сифатида тадқиқ қилиш;

когнитив-дискурсив механизмларнинг ролини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объектини инглиз, ўзбек ва рус тилларидаги ранг лексемалар тизими ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини инглиз, ўзбек ва рус тилларида ранг ифодаловчи асос таркибларнинг структур ва семантик-когнитив хусусиятлари белгилайди.

Тадқиқотнинг усуллари. Фактик материалларни тадқиқ қилишда: қиёсий-чоғиштирма, тавсифий, компонент таҳлил, когнитив моделлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

инглиз, рус ва ўзбек тиллари материаллари мисолида ранг ифодаловчи базавий лексиканинг структур-семантик, сўз ясалиш ва стилистик тавсифи

культуры, 2004. – 792 с.; Падучева, Е.В. К когнитивной теории метонимии [Электронный ресурс] / Падучева Е.В. // Мат-лы междунар. конф. Диалог 2003. – М., 2003; Taylor John R. Cognitive Grammar. New York: Oxford University Press, 2002. – 621 p.

[8] Заботкина В.И., Шевченко Е.В. Концептуальные основы образования значений фразеологических единиц, содержащих компонент «цвет» в современном английском языке // Вопросы когнитивной лингвистики. № 4. 2007. – С. 58-66; Ирисханова О.К. О лингвокреативной деятельности человека: отглагольные имена. – М.: Изд-во ВТИИ, 2004. – 352 с.; Кубрякова Е.С. Язык и знание. На пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира. М.: Языки славянской культуры, 2004. – 560 с.; Бабина Л.В. Когнитивные основы вторичных явлений в языке и речи: Монография. – Тамбов – Москва: Изд-во ТГУ им. Г.Р. Державина, 2003. – 264 с.

далилланган;

ўрганилаётган тилларда мавжуд параметрлар бўйича, шунингдек, лингвомаданий планда турли ижтимоий-маданий ва экстралингвистик омиллар таъсирида ранг ифодалашдаги ўзига хос хусусиятлари аниқланган;

colour (ранг) концептининг тўлиқ тавсифи учун когнитив-дискурсив усулини олиб бориш зарурати асосланган;

когнитив метонимиянинг ранглар ифодасини яратиш ва тус берувчи семантик ҳосила дериватларни тўлиқ изоҳлаш, шунингдек, “бирлаштириш”, “қуриш” ва “ривожланиш” механизмлари билан ёндош окказионал номларни ифодалашда универсал восита эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ранг ифодаловчи лексиканинг қиёсий-чоғиштирма ва когнитив-дискурсив таҳлили уч миллат вакиллари дунёқараши, оламни идрок қилишни акс эттириш, тилларни ўрганувчиларда миллатлараро компетенциянинг шаклланишида ёрдам бериши исботланди.

Ранг ифодаловчи лексикасидан фойдаланиш чет тилларни ўқитиш, давлат таълим стандарти, ўқув дастурлари ва дарсликларнинг мазмуний қисми билан интеграциялашган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги шундаки, замонавий тилшуносликда қўлланадиган усуллар асосида инглиз, ўзбек ва рус тилларидан тўпланган материалларни таҳлил қилиш орқали илмий асосланган назарий хулосалар чиқарилди, ранг англатувчи лексиканинг концептуал хоссалари бўйича умумлаштирилган назарий хулосалар келтирилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот қиёсий-чоғиштирма тилшуносликни когнитив аспектда шакллантиришда ёрдам беради, тадқиқот натижалари тил тизимида ранг ифодаловчи лексика мақоми ҳақида илмий-назарий билимлар билан тилшуносликни бойитади, инглиз, ўзбек ва рус тилларида ўрганилаётган лексика қатламининг миллий-маданий белгилари, когнитив асосларини очиб беради. Ишда қўлланилган усуллар қиёсий-чоғиштирма ва когнитив лингвистикани тадқиқ қилиш тамойилларини янада кенгайтиришга ёрдам беради. Диссертацияда келтирилган назарий хулосалар инглиз, ўзбек ва рус тиллари лексикасига хос бошқа қатламларнинг функционал-семантик ва когнитив хусусиятларини ёритишда илмий асос сифатида хизмат кўрсатиши мумкин.

Олинган натижалардан олий ўқув юртларининг назарий курслари: тил назарияси, лингвомаданият, этнолингвистика/этнопсихолингвистика, психолингвистика ва когнитив тилшунослик дарсларида, лексикология ва лексикография, маданиятлараро мулоқот ва таржима бўйича махсус курслар, шунингдек, олий ўқув юртлари ўқув амалиёти (инглиз, ўзбек ва рус тиллари бўйича машғулотлар) ҳамда ўқув-услубий қўлланма, луғат, курс ишлари ва магистратура диссертацияларини ёзишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз, ўзбек ва рус тилларида ранг ифодаланишининг когнитив-семантик тузилишини тадқиқ этиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

тадқиқот натижаларидан “Маданиятлараро ва коммуникатив ёндашув нигоҳида магистратура мутахассислиги (инглиз тили) бўйича назарий

фанлардан инглиз тилида дарслик, ўқув қўлланмалар яратиш ва ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар луғатини тузиш” мавзусидаги ИТД-1 амалий лойиҳасида синхрон таржима ва бадиий адабиёт таржимаси йўналишларида касбий компетенцияни таъминлаш, ранг ифодаловчи сўзларни таржима қилиш тамойилларини ўргатиш, малакали таржима қилишни шакллантиришда қўлланилган (Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 28.05.2019 йилдаги 89-03-2278-сон маълумотномаси). Натижада, таржимонлар тайёрлашнинг инновацион шакллар ўтказилди, хусусан, “Ранг ифодаланишини этнолингвистика предмети сифатида шакллантиришнинг илмий асослари” мавзусидаги семинар-тренингни самарали ўқитишни таъминлашда кўмаклашган;

адекват, муқобил вариантларни танлаш, объект мазмунига мос келадиган муқобилни яратиш, маъно ва образликнинг адекват объектини яратиш, ранг ифодаланишидаги ўхшашликлар А-1-180-рақамли “Таржима ва маданиятлараро мулоқот масалаларига оид ўқув қўлланмаларини яратиш” номли амалий лойиҳада қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 майдаги 89-03-727-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларда ранг белгиларини ўзбек тилида ифодалашда замонавий, илмий асосланган билим, қобилият ва малакани шакллантиришга эришилган;

ранг ифодаловчиларни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш, уларнинг ўзига хосликлари, ранг номларини ифодалаш бўйича хулосалар “Халқ билан мулоқот” кўрсатувида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси “Маҳалла” телерадиоканалининг 2019 йил 20 майдаги 03-16-664-сон маълумотномаси). Натижада, тайёрланган материаллар телекўрсатув мазмунини бойитишга, томошабин, хусусан, ўқувчиларда ранг ифодаланиши ҳақида кенг тушунча ва тасаввур ҳосил қилишда хизмат қилган;

диссертациядаги иккинчи бобда §2.1. «Цветовая лексика как аспект науки о словарном запасе языка», ва §2.5. «Семантические и структурные отличительные черты цветовой лексики английского языка» параграфлардан олинган тадқиқот хулосалари “Чет тилларини ўргатиш мултимедияли ахборот технологиялари асосида ўқув режалари ва материалларни чоп этиш ва лойихалаштириш” лойихасида 2018 йилнинг 13-14 август кунлари Буюк Британиянинг Норвичдаги тил таълими институтида ўтказилган “Олий таълим сифатини таъминлаш, чораларини ишлаб чиқиш” деб номланган халқаро семинарда фойдаланилди (Буюк Британиянинг Норвичдаги тил таълими институтининг 2019 йил 15 августдаги маълумотномаси). Натижада таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилган “Лингвистикада ажратиб кўрсатиш муаммосини ўрганиш” мавзусида семинар-тренинглар ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 8 та, 7 та республика ва 1 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 32 та жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси диссертация мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишларининг асосий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган нашрларда 6 та, хорижий илмий

журналларда 1 та мақола чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 143 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек, тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **«Ранг ва ранг ифодаланиши тадқиқидаги асосий йўналишлар»** деб номланувчи биринчи бобида ранг лингвистикасининг назарий ва услубий асослари, лингвистикадаги илмий тадқиқот жиҳатлар ва йўналишлар, шунингдек, лингвомаданий, когнитив ва қиёсий-чоғиштирма изланишларнинг айрим жиҳатлари баён этилган.

Инсон атрофидаги олам ранг билан идрок этилади. Бу факт унинг учун муҳим ҳисобланади. Кўп асрлар давомида инсон онги рангларнинг жисмоний ва физиологик табиатига кириб бориш, унинг одамлар шуурига таъсирини тушуниш, ранг эстетикасини ўрганишга уринган.

Ранг ҳодисаси турли: физика, психология, тилшунослик, тиббиёт, этнология, маданиятшунослик, фалсафа, эстетика ва бошқа илм соҳаларида ўрганиш объекти ҳисобланган. Бу кўпжиҳатлилик “ранг” тушунчасининг мураккаблиги, кўп томонлама эканлигини акс эттиради. Бундай шароитда рангнинг турли жиҳатларини тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ.

Рангларнинг психологик жиҳатдан аҳамиятини аниқлаш учун турли тажрибалар амалга оширилди ва асосий ранглар тизимини яратишга ҳаракат қилинди. Ёруғлик назарияси ривожланишига И.В. Гёте[9] алоҳида ҳисса қўшган. У мавжуд ранг спектрларини 3 та гуруҳга бўлган:

1) асосий ранглар - *сариқ, кўк, қизил*, назарий жиҳатдан қолган барча ранглар улардан яратилган бўлиши мумкин;

2) биринчи даражадаги таркибий ранглар - иккита асосий рангни қўшиш натижасида ҳосил бўлган: *яшил, зарғалдоқ (тўқ сариқ), бинафша* ранг;

3) иккинчи даражадаги таркибий ранглар, биринчи даражадаги таркибий рангларни аралаштириш натижасида ҳосил бўлади.

Ранг семантикасини ўрганишда америкалик тилшунос Б. Берлин ва П. Кей[10] тадқиқотлари асос бўлди. 98 та тил материаллари заминида улар 11 та

---

[9] Гёте И.В. Избранные сочинения по естествознанию [Текст] / И.В. Гёте. – М.: Изд-во АН СССР, 1957. – 553 с.

[10] Berlin B., Kay P. Basic Colour Terms. Their Universiality and Evolution. – Berkeley; Los Angeles: U. of California Press, 1969. – 178 p.

асосий рангни ажратиб кўрсатишган (basic colour terms *black, white, red, yellow, green, blue, brown, purple, pink, orange, gray)*. Тадқиқот натижасида ранг ифодаловчи системада иштирок этувчи у ёки бу рангга даҳлдор универсалиялар аниқланди.

Б. Берлин ва П. Кейнинг ранг номларнинг универсаллиги ва уларнинг пайдо бўлиш кетма-кетлиги ҳақидаги фарази ранг ифодаланиши билан боғлиқ янги тадқиқот ва гипотезаларнинг юзага келишига туртки берди.

Р.М. Фрумкина[11] ва А.П. Василевичнинг[12] психолингвистикага оид тадқиқотларида ранг номлари семантикаси Б. Берлин ҳамда П. Кей усулларига ҳамоҳанг тарзда олиб борилган.

Ушбу йўналишга хос тадқиқотларда тизимли-таркибий усуллардан узоқлашиш ва ранглар тавсифининг семантик хусусиятларини феноменологик ва эйдетик идрок этиш босқичига ўтиш кузатилади. Олам манзарасини англашда рангларнинг роли ҳақидаги психологик тадқиқотлар бир қатор амалий изланишларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Оғзаки шаклга эга ранг белгилари тилшуносликнинг ўрганиш предметига айланди. Бугунги кунда ранг категориясини ўрганишнинг замонавий лингвистик парадигмалари интеграциялашган антропоцентрик ёндашувни талаб қилади. Ранг ифодаловчи лексиканинг қадимийлиги, аксарият тил тизимларида ранг тавсифларининг ривожланган тизими мавжудлиги, уларга хос семантик таркибнинг мураккаблиги инсон когнитив фаолиятида рангнинг муҳим роли бўлганлигини тасдиқлайди.

Сўнгги вақтларда лингвомаданий парадигмалар йўналишида ранг ифодаловчи лексикани тадқиқ қилиш жадаллашиб бормоқда. Маданиятнинг бир қисми сифатида ранг мураккаб ғоялар ва турли шарҳлар тизимига эга бўлиб, маданий қадриятларнинг тимсолига айланмоқда. Ранглар дунёси, ҳар бир даврда оламни ранглар билан кўриш “ранглар маданияти” билан мувофиқликда идрок этилади. Шундай қилиб, ранг ифодаловчи “маънолари муайян даражада маълум тил гуруҳларининг тарихий ва маданий тажрибаси билан аниқланган” тил ва нутқнинг мураккаб лексик бирликларини акс эттиради ва лингвомаданий ҳодиса ҳисобланади.

Турли этник гуруҳ вакилларининг оғзаки нутқида ранг белгиси вазифаларининг миллий хусусиятлари уларнинг менталитети ва маданий-тарихий анъаналари билан боғлиқ. Турли халқларда ранглар ҳақидаги маданий қарашларнинг мос келиши ёки мос келмаслиги, айниқса, тассавурларда ёрқин акс этади.

Когнитивистика ва лингвомаданиятда ранг атроф-муҳитнинг инсон томонидан идрок этилишида муҳим когнитив мезонларидан бири, шунингдек, турли халқларнинг ўзаро мулоқотида “маданий дальтонизм”ни енгишга ёрдам бера оладиган билимларнинг маданий коди сифатида ўрганилади.

Тилларни чоғиштирма аспектда тадқиқ қилишда ранглар ифодаланиши

---

[11] Фрумкина Р.М. Цвет, смысл, сходство: аспекты психолингвистического анализа. – М.: Наука, 1984. – 175 с.

[12] Василевич А.П. Исследование лексики в психолингвистическом эксперименте. На материале цветообозначения в языках различных систем. – М.: Наука, 1987. – 140 с.

ўрганиш муҳим саналади. Турли тилларда ранг номларини чоғиштириш – миллий дунёқарашнинг ўзига хослигини аниқлашга имкон берадиган замонавий тадқиқотларнинг энг фаол йўналишларидан бири ҳисобланади[13].

Ранг ифодаловчи лексикаснинг чоғиштирма тадқиқотларида асосий эътибор олам лисоний манзарасининг шаклланишига, идрок этиш жараёнида ранг лексикасининг ўрни ва концептуаллашувига қаратилади[14].

Экстралингвистик омиллар билан боғлиқ миллий ғоялар (этнос ҳаётининг тарихий-маданий ва табиий-иқлимий хусусиятлари) оламнинг миллий лингворангли манзарасини ҳосил қилувчи миллий-ўзига хос лексик шаклларда ранг майдони концептуаллашувининг (англаш) тажрибасини ифодалайди. Ранглар майдони концептуаллашининг ўзига хослиги ранглар концептларини ўрганишга доир тадқиқотларда анъанавий маданият билан бирга кўрсатилган[15]. Турли этномаданий жамият вакиллари томонидан дунёнинг рангли кўриниши хусусиятлари тадқиқотчига оламнинг этник (миллий) рангли ва лингворангли манзараси мавжудлиги ҳақида сўз юритишга имкон беради.

Диссертациянинг **«Инглиз, ўзбек ва рус тилларида ранг ифодаловчи лексикаснинг семантик ва таркибий хусусиятлари»** номли иккинчи бобида лексикани қиёсий-чоғиштирма ўрганиш масалалари кўриб чиқилган.

Ўрганилаётган тиллар тизимида ранг ифодаловчи лексика сўз бирикмаси тузилишининг таркибий қисмларидан бирини акс эттиради ва тилнинг умумий таркибидан осон ҳисобланади ҳамда алоҳида мақоми билан унинг ҳар бир элементидан муайян иерархик тизимни ҳосил қилади.

У асосий ранглар номининг муайян миқдорини акс эттиради: инглиз тилида *white, black, grey, red, blue, green, yellow, brown*; ўзбек тилида *оқ, қора, кулранг, яшил, қизил, кўк, сариқ, мовий* ранг; рус тилида *белый, черный, серый, красный, синий, зеленый, желтый*.

Тадқиқотлар асосий ранг номларини билдирувчи сифатларнинг аксарияти, чоғиштиринаётган уч тилда типологик жиҳатдан ҳам ифода, ҳам мазмунан мос келади, яъни улар тўла эквивалент ҳисобланади. Фақат инглиз тилидаги *brown* сўзининг ўзбек ва рус тилларидаги: *жигарранг – коричневый* структур жиҳатдан ясашадир. Шунингдек, инглиз тилидаги *blue* ранг эквивалентининг семантик тузилишида фарқ мавжуд: ўзбек тилидаги *зангор* ва рус тилидаги *голубой*. Улар тузилишига кўра ясама ва *кўк ранг* маъносини беради, лекин асосий ранг ҳисобланади. Рус ва ўзбек тилларида *мовий* ва *кўк ранг* алоҳида асосий ранг ҳисобланса-да, инглиз тилида *blue* иккала ранг маъносини ҳам ўзида мужассамлаштирган.

---

[13] Василевич А.П. Исследование лексики в психолингвистическом эксперименте. На материале цветообозначения в языках различных систем. – М.: Наука, 1987. – 140 с.; Мишенькина Е.В. Национально–специфическая характеристика концепта «свет – цвет» в русской и английской лингвокультурной картине мира: Автореф. дис. ... канд. филол. наук: – Ярославль, 2006. – 22 с.; Светличная Т.Ю. Сравнительные лингвокультурные характеристики цветообозначения и цветовосприятия в английском и русском языках: Автореф. дис. … канд. филол. наук: – Пятигорск, 2003. – 17 с.;

[14] Алымова Е.Н. Цвет как лингвокогнитивная категория в русской языковой картине мира: Автореф. дис. … канд. филол. наук: – СПб, 2007. – 18 с.;

[15] Белобородова И.В. Концепт «цвет» в лингвокогнитивном аспекте (на материале автобиографической прозы): Автореф. дис. ... канд. филол. наук: – Таганрог, 2000. – 26 с.7.

Ўзбек тилидаги *кўк* сифатининг ўзига хослиги – унинг кўп маънолилиги бўлиб, ҳам *кўк* ҳам *яшил* маъносини англатади.

Шунингдек, чоғиштирилаётган тилларда асосий рангларни ифодалийдиган аслий (туб) сифатлар гуруҳи хам мавжуд. Ушбу туб (аслий) сифатлар ранг тусини ва нарса-предметнинг чекланган ранг белгисини билдиради, чунончи, чегараланган лексик бирикма, денотати бўйича чекланган ранг номлари шулар жумласидандир (масалан тери, соч, кўз ранглари, ҳайвонлар мастикаси ранги ва ҳ.к.): инглиз тилида *cerulean, perse, vermeil, crimson, scarlet, cerise, mauve, ficelle, florid, mulatto, tan, swarthy, blond, tawny, auburn, bay, sorrel, dun, roan*; ўзбек тилида *қирмизи, асмар, оқ-сариқ, кулранг, зарғалдоқ, чипор, буғдойранг, ола-була, малла*; рус тилида: *алый, карий, седой, русый, рыжий, смуглый, чалый, бурый, пегий, сизый, смурый, сивый*. Ушбу гуруҳда ранг ифодаловчи сифатлар ҳам маъно, ҳам ифода жиҳатдан уч тилда тўла эквивалент ҳисобланади:

blond – оқ – сариқ – русый; *mulatto – қорача – смуглый; swarthy – буғдойранг – смуглый; florid – қирмизи – румяный (о лице); bay – қизғиш – малла – гнедой; sorrel – зарғалдоқ – гнедой.*

Турли тиллардаги рангларни таққослаш инглиз, ўзбек, рус маданиятининг умумий ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Ушбу тилларнинг ранг коннотацияси баъзан мос келади, баъзида эса фарқ қилади. Масалан: «*красный» – «қизил*» русча «*красна* девица» сўз бирикмасида ва ўзбекча сўз бирикмасида «*қизил юз*» (*красное лицо*) «чиройли қиз» маъносини англатади, бироқ инглиз тилидаги «*red in the face*» сўз бирикмаси «*уялмоқ, хижолат бўлмоқ*» маъносини ифодлайди. Рус тилида «*очи белые*» – бу ёрқин кўзлар, бироқ ўзбек тилида «*оқ кўз*» (сўзма-сўз оқ кўзлар) салбий маънодаги касал ёки сеҳирли кўзларни англатади. Инглиз тилида бундай сўз бирикмаси мавжуд эмас.

Инглиз, ўзбек ва рус тилларида ранглар қатнашган сўз бирикмаларида миллий менталитетнинг акс эттирилишини қуйидаги мисолларда кўриш мумкин: инглиз тилида «black» – ёмон *black market (қора иш, ноқонуний иш, чёрное дело), blackmailing someone (товламачилик билан пул олиш, шантажировать), black as ink (ўта қора, чёрный как смоль), black as devil (шайтон каби қора, қалби қора, тёмная душа), a black day (қора кун, чёрный день), a black spot (қора доғ, тёмное пятно)*. Рус тилида *«черный» – «ёмон» (кўнгли қора, қора мушук кесиб ўтди), ноқонуний (қора иш), қора кун (қора соат, қора нон ейиш*), қуйи қатлам (*қорасуяк, қора халқ*). Ўзбек тилида *«ёмон» – қора кўнгил (черная душа*), *қора мушук ўтди (черная кошка проскочила*), *қора иш (черное дело*); *тяжелый – қора кун (черный день*), *қора нонда ўтириб (сидеть на черном хлебе*); *низкий слой - қора суяк (черная кость), қора халк (черный народ*). Кўриб турганимиздек, ўзбек ва рус тилларида қора ранг аксарият маъноларида мос келади, бироқ инглиз тилида айрим маънолар мос келмайди.

Шундай қилиб, ранг ифодаловчи лексикаснинг қиёсий-чоғиштирма тадқиқи нафақат лингвистик омилларни, балки ранг англатувчи лексиканинг ролини ҳам белгилайди. Буларнинг барчаси: миллий психология ва онг хусусиятлари, халқларнинг урф-одатлари, маданий анъаналар, турмуш тарзи,

шунингдек, турли ҳолатлар, объектив ҳақиқат фактлари каби бир қатор экстралингвистик омиллар билан боғлиқ. Турли тилларнинг лексик ва фразеологик бирликларида асосий ранг номларидаги муштараклик ушбу ранглар оламни англашнинг асосий манбаси ва мулоқот қилишнинг муҳим омили эканлиги билан боғлиқ. Агар биз бир-биримизни тушунишни истасак, бунинг учун бизга *қора, оқ, қизил, сариқ, яшил, кўк* сўзлари онгимиз учун асосий ранг номлари сифатида етарли бўлади.

Аниқланган натижалар инглиз, ўзбек ва рус тилларидаги асосий ранг номларини чоғиштиришни янада такомиллаштиради. Бу ҳолат ушбу лексик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари ва уларнинг турли халқларга оид рангли манзараларида ролини кўрсатишга имкон беради.

Диссертациянинг **«Инглиз, ўзбек ва рус тилларида ранг ифодаланиши ва ранг идрок қилинишининг когнитив таҳлили»** деб номланган учинчи бобида когнитив лингвистиканинг муаммолари ва асосий тушунчалари ўрганилган.

XX асрнинг 70-йиллари ўрталарида хориж, XXI асрнинг бошларида Ўзбекистон тилшунослигида пайдо бўлган когнитив ёндашув ёки когнитив парадигма тушунчаси бугунги кунда кенг тарқалмоқда. Билим структураларига ментал талқиннинг муҳим жиҳати сифатида қаровчи тил когнитивдир. Зотан, у фаолиятнинг юзага чиқишига хизмат қилади. Тил асосан дискурсив фаолият доирасида нутқ натижаси ва англанилиш жараёнида ўрганилиши боис дискурсив ёки коммуникатив деб номланади. Дискурсив фаолият инсон билимининг тил шаклида объектлашуви (оғзакилашуви) ёки аксинча, уларнинг тил шаклидан чиқишини қамраб олади.

Шундай қилиб, когнитив-дискурсив ёндашувларда тил инсоннинг когнитив қобилияти, инсон онгининг элементи сифатида ўрганилади. Антропоцентризм принципи умуман ҳозирги фандаги каби когнитив тилшунослининг бош тамоийларидан саналади.

Билим категорияси когнитив-дискурсив парадигмада марказий категориялардан бири сифатида тан олинган. Ушбу парадигмадаги билимлар тушунчаси муайян тартибли тизимга бирлашган маълумотлар тўпламини англатади[16]. Масалан, Н.Н. Болдиревнинг таъкидлашича, тил икки турдаги билимлар: олам ва унинг категориялари ҳақидаги қомусий (нолингвистик) ва хос тил билимлари, тил маънолари ва категорияларини сақлаш ҳамда узатиш воситаси ҳисобланади[17].

Демак, тил когнитив-дискурсив парадигма доирасида инсон миясида олам ҳақидаги турли билим структуралари мавжудлигини акс эттиради, унинг асосида эса концепт каби ментал маълумот бирлиги ётади. Мазкур тадқиқотда Р. Лэнекер, Т. Клоснер, У. Крофт, Е.С. Кубряков, Н.Н. Болдирев ва бошқа тадқиқотчилардек концепт тушунчаси остида ментал талқин ёки структуравий

---

[16] Краткий словарь когнитивных терминов. – М.: МГУ, 1996. – С. 26-49.

[17] Болдырев, Н.Н. Категория как форма репрезентации знаний в языке / Болдырев Н.Н. // Концептуальное пространство языка: Сб. науч. трудов. Посвящается юбилею профессора Н.Н. Болдырева. – Тамбов: Изд-во ТГУ им. Г.Р. Державина, 2005. – С. 16-39.

билимнинг “квант”и тушунилади[18].

Маълумки, концептлар концептулизация натижасида шаклланади, Е.С. Кубрякова, Н.Н. Болдирева ва бошқа олимларнинг фикрича, инсон идрок қилишининг муҳим жараёнларидан бири ҳисобланади. Бу жараён инсонга келадиган маълумотларни англаш билан ифодаланади ва инсон миясида (руҳи) концептлар, концептуал структуралар ва барча концептуал тизимларнинг ҳосил бўлишига олиб келади[19].

Концептлар қотиб қолган ҳосила эмас. Инсон онгида уларнинг таркиби англаш натижасида олинган билимлар ҳисобига мураккаблашиб боради, яъни ғоялар ва мантиқий белгилар билан ўсади[20].

Концептларнинг динамик табиати, уларнинг ўзаро муносабати ва таъсири иккиламчи репрезентация назарияси доирасида ўрганилади. Иккиламчи репрезентация асосида когнитив жараённи акс эттирувчи концептуал деривация ва мавжуд билимлар асосида инсоннинг концептуал тизимида янги билимлар юзага келишини таъминлайдиган когнитив жараён ётади. Концептуал деривация “инсон концептуал тизимини ташкил этувчи концептлар қандайдир номга эга бўлгандан сўнг тилда кейинчалик уларнинг янги тил маъносига эга, янги концептуал таркибга бирлашиши учун асос пайдо бўлган”ини тахмин қилади»[21].

Маълумки, инсон онгида билимнинг турли структураларидан ташқари муайян когнитив қобилият, кўникма, шунингдек, бор билим қурилиши ҳаракати схемасини акс эттирувчи когнитив механизмлар мавжуд[22]. Ҳосила сўзлар маъноси шаклланишига олиб келувчи бундай ҳаракат схемасига “истиқбол”, “бирлаштириш”, “қуриш”, “ривожлантириш”, “концептуал метафора” ва “концптуал метонимия” каби когнитив механизмлар киради.

Когнитив нуқтаи назардан, метонимия нафақат ижодий, балки кундалик фикрлашнинг асосий тавсифларидан бирини акс эттиради. У кўплаб тадқиқотчилар томонидан атроф оламни англашнинг яна бир асосий когнитив воситаси сифатида ўрганилади[23].

---

[18] Langacker R.W. Foundations of Cognitive Grammar. Descriptive Application. – Stanford: Stanford University Press, 1991. – Vol. 2. – 590 p.; Clausner, T.C., Croft, W. Domains and image schémas / Clausner T.C., Croft W. // Cognitive Linguistics, 1999. – Vol. 10. – № 1. – P. 1 – 31; Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика: Курс лекций по английской филологии. – Тамбов: Изд–во Тамбовского университета, 2000. – 123 с.

[19] Краткий словарь когнитивных терминов. – М.: МГУ, 1996; Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика: Курс лекций по английской филологии. – Тамбов: Изд-во, Тамбовского университета, 2000. – 123 с.

[20] Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика: Курс лекций по английской филологии. – Тамбов: Изд-во Тамбовского университета, 2000. – 155 с.

[21] Бабина, Л.В. Концептуальная деривация и ее проявление на языковом уровне / Бабина Л.В. // Концептуальное пространство языка: Сб. науч. тр. Посвящается юбилею профессора Н.Н. Болдырева. – Тамбов: Изд-во ТГУ им. Г.Р. Державина, 2005. – С. 141-149.

[22] Краткий словарь когнитивных терминов. – М.: МГУ, 1996; Кубрякова Е.С. Язык и знание. На пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира. М.: Языки славянской культуры, 2004. – 560 с.

[23] Падучева Е.В. // Логический анализ языка. Языки пространств. – М.: Языки русской культуры, 2000. – С. 239 –254; Падучева, Е.В. К когнитивной теории метонимии [Электронный ресурс] / Падучева Е.В. // Мат-лы междунар. конф. Диалог 2003. – М., 2003. – Режим доступа: www.dialog-21.ru/Archive/2003/Paducheva.html; Панасенко, Л.А. Функциональная поликатегоризация глагола в современном английском языке: Дис. ... канд. филол. наук: 10.02.04. – Германские языки / Панасенко Людмила Александровна. – Тамбов, 2000. – 186 с.; Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем. – М.: УРСС Эдиториал, 2004. – 256 с.; Lakoff G.,

Ж. Лакофф ва М. Жонсонларнинг таъкидлашича, метонимиянинг лингвистик вазифаси бевосита референция билан боғлиқ, яъни бир туб маъно бошқасига ҳавола қилиш учун қўлланилади. Ж. Лакофф метонимик моделни элементлар орасидаги бўшлиқни тўлдириш имконини берувчи концептуал структура сифатида белгилайди[24].

Хуллас, бўшлиқни эгаллаш муносабати қуйидаги маҳсулдор метонимик моделларда воқеланиши мумкин: *part-whole* (all hands on deck); *whole-part* (to fill up the car*); container-content* (I'll have a glass); *material-object* (a glass, an iron); *producer-product* (buy a Ford); *place-institution* (talks between Washington and Moscow); *cause-effect* (his native tongue is German) ва бошқалар.

Юқорида келтирилган метонимик моделлар одамнинг фикрлаш ва фаолияти билан боғлиқ терминларда айрим умумий метонимик категорияларнинг юзага келишини акс эттиради. Шунга кўра, аксарият метонимик моделлар Ж. Лакоффнинг таъкидлашича, индивид нарсалар модели, яъни метонимик жиҳатдан шахс учун типик модель ҳисобланади[25].

Метонимик кўчим янги номлар ҳосил қилишнинг барқарор механизмини акс эттиради, шунинг учун метонимия ва метафора каби янги билимларга эга бўлишнинг самарали усули ҳисобланади[26].

Нутқда қўлланадиган ранг белгилари олам объекти ва ҳодисалари дискурсини акс эттириб, долзарб денотат (референт)га эга бўлиши мумкин. Тадқиқот давомида тадқиқ қилинаётган икки тилда мос келувчи денотат ва референтли мавзуий гуруҳлар аниқланди («Ўлик табиат», «Овқат ва шарбат»). Айрим ҳоллардагина уларнинг лексик таркиби фарқ қилади. Зеро, бу жиҳат ўрганилаётган тилларда ранг ифодаловчи сўзларнинг лингвомаданий хусусиятларига боғлиқ.

«Овқат ва шарбат» денотат (референт) инглиз тилида *cream, biscuit, chocolate, claret caramel, brandy, mushroom, toast;* ўзбек тилида *олчаранг, каймокранг, бугдойранг, сабзиранг;* рус тилида *кофейный, шоколадный, кофе с молоком, молочный, цвет топленого молока, кетовый цвет, коньячно-золотистый, цвет копченого лосося.*

«Ўлик табиат» денотат (референт) инглиз тилида *emerald, ruby, sapphire, silver, gold, snowy, ashen, sky, sand, starlight, sunset;* ўзбек тилида *олтин, оловранг, кумуш, зумрад*; рус тилида *изумрудный, янтарный, бирюзовый, сапфировый, цвет мокрого асфальта, цвет бутылочного стекла, цвет хаки, ультрамариновый цвет*.

Ушбу тасниф тил ва нутқнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирини тўлдиришини тасдиқлайди.

Johnson M. Metaphors We live by. Chicago, London: The University of Chicago Press, 1980. – 242 p.

[24] Лакофф Дж. Женщины, огонь и опасные веши: Что категории языка говорят нам о мышлении. М.: Языки славянской культуры, 2004. – 792 с.; Lakoff G., Johnson M. Metaphors We live by. Chicago, London: The University of Chicago Press, 1980. – 242 p.

[25] Лакофф Дж. Женщины, огонь и опасные веши: Что категории языка говорят нам о мышлении. М.: Языки славянской культуры, 2004. – 792 с.

[26] Падучева Е.В. // Логический анализ языка. Языки пространств. – М.: Языки русской культуры, 2000. – С. 239-254; Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем. М.: УРСС Эдиториал, 2004. – 256 с.; Lakoff G., Johnson M. Metaphors We live by. – Chicago, London: The University of Chicago Press, 1980. – 242 p.

Ранг тусини ифодаловчи бирликларнинг қўлланиш жараёнида маъно ва фикрни тўғри изоҳлаш учун когнитив, метонимик ва пропозиционал моделлар, шунингдек, “бириктириш”, “қуриш” ва “ривожлантириш” каби когнитив механизмларга мурожаат қилиш зарур.

Семантик дериват ҳисобланувчи ранглар талқинини беришда концептуал маъно фаоллашувини қамраб олган репродуктив стратегиялар қўлланилади. Бундай вазиятда, мободо, бу сўзларнинг концептуал маъноси келиб чиқмаса *whole – part* метонимик когнитив модель ҳамда “бириктириш”, “қуриш” ва “ривожлантириш” каби когнитив механизмлар қўлланади. Семантик дериватларга қуйидаги ранг ифодаловчи тааллуқли: инглиз тилида *olive, jade, dove, henna, caramel, cocoa, apricot, cobalt, indigo, lake, wine, chocolate;* ўзбек тилида *зайтунранг, оч яшил, хина ранг, тўқ қирмизи, какао ранг, шоколад ранг;* рус тилида *оливковый, жаде, карамельный, абрикосовый цвет, индиго, винный, шоколадный.*

Қимматбаҳо тошлар асосида ясалган сифатларга оид концептуал мазмуннинг фаоллашишини акс эттирувчи айрим мисолларга диққат қаратамиз. Матнда шунга ўхшаш ранг ифодаловчи қўлланиши акс эттирилган яна бир мисолга эътибор қаратамиз:

инглиз тилида, ... *Only when she lifted her head the radiance of her eyes could stun any man, for she had bright,* ***emerald*** *eyes, eyes that sparkled like twin stars*... [http://www.mynydd-gwyn.org];

Мазкур мисолда, кўз нурини юлдузлар ёғдусига қиёслаб (*sparkled like twin stars, bright*), муаллиф ўқувчида уларнинг нақадар гўзаллиги ҳақида тасаввур туғдиришга ҳаракат қилган. Ясама *emerald* сўзининг маъносини *whole* (қимматбаҳо тош – emerald) – *part* (colour) метонимик когнитив модель белгилайди. Луғат-мақола ушбу ранг ифодаланишининг қуйидаги дефинициясини беради: clear green colour of an emerald [http://lingvopro.abbyyonline.com]. Шу билан бирга, матн зумрад каби қимматбаҳо тош хусусиятлари ҳақида бизда тушунча ҳосил қилади. «Қуриш» механизми ёрдамида, биз ‘*luminous*’ – *‘нурли’ – ‘светящийся’*, ‘*striking*’ – *‘ажойиб’ – ‘поразительный’*, ‘*vivid*’ – *‘ёрқин’ – ‘пылкий’*, ‘*sparkling*’ – *‘ялтироқ’ – ‘сверкающий’*, ‘*shining*’ – *‘ловуллаган’ – ‘блестящий’* хусусиятларини билиб оламиз. «Бириктириш» механизми юқорида келтирилган тавсиф ва зумрад ранги билан боғлиқ баҳоларни бираштириш имконини беради: ‘*vivid green*’, ‘*sparkling green’*, ‘*shining green’*. Кейин “ривожланиш” механизми ушбу ранг белгисининг ижобий маъноси мавжудлигини келтириб чиқаришга имкон беради. Шундай қилиб, *emerald* ранг ифодаловчидан фойдаланиш, қаҳрамоннинг бетакрор гўзал кўзлари, уларнинг ёрқинлиги ва порлашини ифодалаш имконини беради.

Ўзбек тилида, Алишер Навоий асарларида *ёқут, лаъл* сингари ранг номлари қайд этилади:

Рубиновое *вино,*
Янтарное *вино,*
О, всё животворящие уста,
Рубинами горящие уста!

Гранильщик им ущерба не нанес,
В них сок ***янтарный*** *виноградных лоз…*

(Алишер Навои. Избранное перевод. С. Иванова, 148 С.)

Рубин – *ёқут, лаъл*; қизил тусли қимматбаҳо тош;

рубиновый – *ёқутга, лаълига* оид;

янтарь – *каҳрабо, оч сариқ* ёки *сарғиш* тусдаги тошсимон маъдан.

Матнда ушбу сифатлар нафақат ичимлик рангини, балки тус гўзаллиги, шаффофлик, тиниқлик хусусиятини ҳам ифодалайди.

Рус тилида, поэтик матнда ранг ифодаловчилар олам лисоний манзарасининг таркиби ҳамда “тараққиёт” ва “бирикма” когнитив механизмлари ҳаракатини ошкор қилувчи талқин жараёнида концептуал аҳамиятга молик образни юзага чиқаради. Сергей Есениннинг мўътаз шеъридан келтирилган парчага диққат қиламиз:

Белая *береза*
Под моим окном
Принакрылась снегом,
Точно серебром….
И стоит береза
В сонной тишине,
И горят снежинки
В золотом огне.

Оқ қайин нафақат дарахт тури, балки қор, қор парчаси, кумуш концептлари билан бирикиб, ялтираётган, товланаётган ажойиб байрам дарахтини ҳам ифодалайди. Ушбу образ, шунингдек, рус қиши – темпорал мавзуси, вақт концептининг яратилишига имкон берди.

